

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 881-ҳадис

881 - وَعَنْ أُسَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ عَلَى مَجْلِسٍ فِيهِ أَحْلَاطٌ مِنَ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُشْرِكِينَ - عَبْدَةً الْأَوْنَانِ وَالْيَهُودَ - فَسَلَّمَ عَلَيْهِمُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ . مُتَّقِعٌ عَلَيْهِ .[1798، م 6254] خ

881. Усома ибн Зайд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир мажлисдан ўтдилар. У мажлисда мусулмонлар, мушриклар, бутларга ибодат қилувчилар ва яҳудийлар бор эди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам уларга салом бердилар.

Мұттафақұн алайҳ.

Шарх: Файридинларга салом бериш хусусида уламолар икки гурухга бўлинган. Бир гурух уламолар файридинларга салом бериш жоиз эмас, чунки салом Аллоҳ таолонинг раҳмати, баракотидир, унга фақат мўмин кишилар лойикдир, дейдилар ва ўз сўзларига қўйидаги ҳадисни далил қиласидилар.

Абу Бусра Фифорий розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Эртага мен уловда яҳудийларнинг хузурига бораман. Уларга аввал салом берманглар. Улар сизга салом беришса, «Ва алайкум» денглар», дедилар».

Бошқа уламолар эса мазкур ва шу маънодаги ҳадислар маълум вазият тақозоси бўлган, умуман олганда уларга аввал салом беришнинг зарари йўқ, балки бу уларнинг муҳаббатларига, Исломга мойил бўлишларига сабаб бўлиши ҳам мумкин, деганлар.

Абу Амома розияллоху анҳу кимнинг олдидан ўтсалар - мусулмонми, насронийми, каттами, кичикми - салом бераверар эканлар. У кишидан бунинг сабаби сўралганда: «Бизга саломни ёйиш амр қилинган», деган эканлар.

Имом Жарир Тобарий саҳиҳ санад билан Алқамадан ривоят қиласиди: «Иbn

Масъудга мингашиб олган эдим. Бир дехқон бизга ҳамроҳ бўлди. Унга йўл очилганда юришни бошлади. Абдуллоҳ ибн Буср унинг ортидан юрди ва: «Ассалому алайкум», деди. «Уларга аввал салом беришни макруҳ демасмидинг?» дедим. «Худди шундай, лекин сухбатнинг ҳаққи бор», деди».

Имом Замахшарий ёзишича, буюк тобеин Иброҳим Нахаъий ҳам мана шу фикрни қўллаб кувватлаган. Агар ғайридин киши салом бергудек бўлса, жумхур уламолар наздида, унга алик олиш лозим. Бунга бир қанча далиллар бор. Жумладан, Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай деганлар: «Яхудий бўладими, насроний бўладими, мажусий бўладими, салом берса, алик олинг, чунки Аллоҳ: «Қачонки сизга бир саломлашиш ила салом берилса, сиз ундан кўра яхшироқ алик олинг ёки худди ўзидек жавоб беринг», деган».

Баъзи уламолар ҳар икки фатвонинг ҳам ўз ўрни бор, ҳолат қайси бирини тақозо қилса, ўшани қилиш керак, дейдилар. Шу билан бирга, ғайридинларга «салом»нинг ўрнига бошқа сўзлар билан, масалан, «қалайсиз», «соғ бўлинг», «хайрли тун» каби тилаклар билан мурожаат қилиб сўз бошлаш мумкинлиги ҳақида жумхур уламолар яқдил фикрда. Ундан ҳам яхшиси «Ассалому ала маниттабаъалҳуда» – «Ҳидоятга эргашганларга салом» дейишdir. Ғайридинларга алик олишда уларнинг айтганларини қайтариш ёки «ва алайкум» – «сизларга ҳам» дейишнинг ўзи кифоя. Чунки уларнинг саломлари маъноси алик оловчи мусулмонга номаълум бўлиши ҳам мумкин.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яхудийлардан бирортаси сизга салом берса, «Ас-сому алайка» дейди. Бас, сизлар «Ва алайка» денглар», дедилар». Агар ғайридинлар салом ўрнига қарғиш, сўкиш маъносидаги сўзлар билан мурожаат қилгудек бўлса ҳам уларга ўзлари айтган сўзлар билан жавоб қайтарилмайди, балки «ва алайкум» деб қўйилади, холос.

«ал-Адаб ал-Муфрад»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир гуруҳ яхудийлар киришди ва «Ассааму алайкум (Сизга ўлим бўлсин)», – дейишди. Мен уни фаҳмлаб қолдимда, «Сизларга ўлим бўлсин! Лаънат бўлсин!» дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бас! Эй Оиша! Аллоҳ барча ишда мулойимликни яхши кўради», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули! Нима деганларини эшитмадингизми?» дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ва алайкум (сизга ҳам)», деб айтдимку», дедилар».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келган бир жамоа яхудийлар асли қарғиш бўлган сўзни, унинг саломга ўхشاшидан фойдаланиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан салом ўрнида ишлатишди. Улар бу хийлаларини сахобаларга нисбатан ҳам қўллашар эди. Бир сафар Оиша розияллоҳу анҳо уларнинг бу найрангларини фаҳмлаб қолиб, ўзларига яраша жавоб қайтаришга ҳаракат қилдилар. Аммо

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам юксак, түзал ахлоқлари ва зийракликтарини яна бир бор күрсатиб, улар ўзлари айтган сўзлар билан жавоб қайтармай, қисқа ва лўнда қилиб, «Сизга ҳам» деб қўя қолдилар ва мўмин киши доимо мана шундай одобда бўлиши кераклигини, ҳар қандай ҳолатда ҳам мулойимликни ушлаши лозимлигини таълим бердилар.

Манба: hadis.islom.uz

